
Вилоят ҳокимининг навбатдаги оммавий сайёр қабули

2019 йил 10 апрель куни Фарғона вилояти ҳокими, 1-сектор раҳбари Ш.М.Ғаниев томонидан Олтиариқ тумани, Тинчлик шаҳарчасида жойлашган "Саноат" коллежида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари билан оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда барча вилоят бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, прокуратура, ИИБ ва суд органлари ҳамда туман секторлари раҳбарлари иштирок этишди. Қабулда жами 210 нафар фуқаролар қатнашиб, улардан бевосита вилоят 1-сектори раҳбарига 60 та мурожаат келиб тушди, шундан 4 таси жойида ижобий ҳал этилди, 6 тасига асосли тушунтиришлар берилди, 46 таси бўйича бошқарма ва ташкилот раҳбарларига топшириқлар берилиб, уларнинг ҳал этилиши назоратга олинди.

Қабул жараёнининг ўзида Олтиариқ тумани . тинчлик шаҳарчасида яшовчи фуқаро Жўраева Зулфиянинг боғча қуриш учун чиқарилган қарорини ижроси учун халақит берилаётганлиги масаласи жойни ўзида вилоят ҳокими томонидан ҳал этилиб, тадбиркорга тўсиқ бўлаётган субъектив сабабалар бартарф этилди. Шунингдек, Бўрбалниқ қишлоғида яшовчи фуқаро Абдувалиева Замирахоннинг моддий ёрдам масаласидаги мурожаати жойида ижобий ҳал этилиб, вилоят “ Маҳалла ” жамоат фонди томонидан жойида ҳал этилди. Олтиариқ тумани, Файзиобод қишлоғида яшовчи Хошимов Қобилжоннинг аҳоли учун 3 км ичимлик суви тармоғи тортиш тўғрисидаги мурожаати кўриб чиқилиб, ушбу қишлоқнинг 4 кўчаси аҳолисини ичимлик сув таъминотини яхшилаш масаласи 2019 йил Давлат дастурларига киритилганлиги мурожаатчига етказилди.

Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши томонидан Қапчуғай МФЙ да яшовчи Мавлонов Муҳаммаднинг сўрови ижобий ҳал этилиби, ўзи ва турмуш ўртоғи учун сихатгоҳга йўлланма ажратилишига келишилди.

Шунингдек, оммавий сайёр қабуллар давомида коллеж ҳудудди ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари билан гавжум бўлди.

Вилоят Бандлик бошқармаси томонидан ташкилланган бўш иш ўринлари Меҳнат ярмаркасида ҳам фуқаролар ўзлари учун муносиб иш ўринлари билан танишиш ва танлаш имкониятига эга бўлдилар. Ташкилланган ҳунармандчилик ярмаркалари қабулга келган ташкилот раҳбарлари ва фуқароларда катта таасурот қолдирди.

Бундай тадбирлар фуқароларнинг розилигини таъминлаш ва аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



2019-04-11 14:52:01